



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 4 апрель, № 65 (5995)

Жума

«Ўзбекистон жаҳон тўқимачилик бозорига етакчи мавқени эгаллаши учун чексиз имкониятларга эга»

Амстердамда бўлиб ўтган "Textile and Accessories Netherlands — 2014" халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон дипломатия миссиясининг вакиллари тўқимачилик соҳасидаги етакчи компаниялар раҳбарияти билан қатор учрашувлар ўтказишди.

ЭЪТИРОФ

Жумладан, "Textile and Accessories Netherlands — 2014" кўргазмаси ижрочи директори Мари Вендорвен "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларга юқори баҳо берди.

— Янги технологияларни қўллаш, самарали бошқарувга эга бўлган замонавий жиҳоз ва ускуналардан фойдаланиш юқори маҳсулдорликни ҳамда тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни таъминлаётгани ҳақидаги маълумотларни эшитиш қувонарлидир, — деди у. — Бугунги кунда республика нафақат пахта толаси етказиб берувчи, балки тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилувчи сифатида жаҳон тўқимачилик бозорига етакчи мавқени эгаллаши учун чексиз имкониятларга эга. Биз Ўзбекистон тўқимачилик компанияларининг навбатдаги кўргазмаларимизда фаол иштирок этишига умид билдираемиз.

Бельгиянинг "Stratex Europe" компанияси раҳбари Вали Амархалининг маълум қилишича, Ўзбекистонда болалар кийим-кечақларини ишлаб чиқариш бўйича "Stratex Europe" муваффақиятли иш тажрибасига эга.

— Қўшма корхонамизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, асосан, Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига экспорт қилинади, — деди у. — Ушбу кўргазмада қатнашимиздан кўзланган асосий мақсад, Европа бозорига кириш. Биз бу бозорда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимиз турини ҳам кўпайтиришимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун берилган имтиёз ва преференциялар қисқа муддат ичида мамлакатда турли газламалар, тайёр трикотаж буюмлари ҳамда тиқиш-трикотаж саноати учун яриммаҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратиб бердики, улар жаҳон андозалари талабларига мос келиши билан бирга, хориждаги турдош маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Учрашувларда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон томонининг тақлифлари кўриб чиқиши бўйича Европанинг бир неча компаниялари билан келишувларга эришилди.

«Жаҳон» АА.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси асосида тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни парламентимиз қуйи палатасида сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳи ҳамда кўмиталарнинг кенг жамоатчилик ва экспертлар иштирокидаги ҳар томонлама муҳокамаларидан ўтиб қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ушбу Қонун нафақат ҳуқуқшунос олимлар ва экспертлар, балки кенг қўламли ислохотлар, мамлакатни демократлаштириш ҳамда янгилаш жараёнларида фаол иштирок этишга интилаётган ҳар бир ватандошимизнинг диққат-эътиборига бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган гоиларга мувофиқ тайёрланган мазкур Қонун ўз мазмунига кўра, ҳокимият тармоқлари бўлишининг конституциявий принциплари амалга оширишга, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган. Шу муносабат билан, Конституцияга давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини шакллантиришни назарда тутадиган тузатишлар киритилаётгани алоҳида эътиборга эга.

Давлат органлари фаолияти устидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик институтлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этишларини, улар ўз олдига турган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги вазифа ва ваколатларини самарали амалга оширишларини таъминлашга йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган гоиларга мувофиқ тайёрланган мазкур Қонун ўз мазмунига кўра, ҳокимият тармоқлари бўлишининг конституциявий принциплари амалга оширишга, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган. Шу муносабат билан, Конституцияга давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини шакллантиришни назарда тутадиган тузатишлар киритилаётгани алоҳида эътиборга эга.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган гоиларга мувофиқ тайёрланган мазкур Қонун ўз мазмунига кўра, ҳокимият тармоқлари бўлишининг конституциявий принциплари амалга оширишга, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган. Шу муносабат билан, Конституцияга давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини шакллантиришни назарда тутадиган тузатишлар киритилаётгани алоҳида эътиборга эга.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗ



Қарши муҳандислик-иқтисодий институти олимлари сув кўтариш насос станцияларида юзга келадиган хавфли босимни бартараф этуви гидравлик зарба сўндиргич технологиясини ихтиро қилишди.

Ихтиро фойда келтиради

Соҳа мутахассислари таъкидлашча, насос станцияларида электр энергияси таъминоти ёки технологик жараённинг тўсатдан тўхтаб қолиши босим қуввидаги сувнинг қайтиши ва оқибатда гидравлик зарба пайдо бўлишига олиб келади. Натижада қувурда гидродинамик босим кескин ортади ва бу 47 фоиз ҳолда насос станцияларида авария ҳолатини юзга келтириши мумкин. Янги технология ускунада босим остида қувурга ҳаво киритилиши натижасида тескари клапан ортида юзга келадиган гидравлик босим 60 фоизгача қамаяди. Бу эса харажат йилига 20 фоиз қисқаради, деганидир.

— Қашқадарё вилоятида катта босим остида ишлайдиган ўндан ортиқ насос станцияси бор, — дейди лойиҳа муаллифи Бобораҳим Урушев. — Бу иншоотларга гидравлик зарба кучини камайтирувчи технология ўрнатилиши иқтисодий жиҳатдан катта самара беради. Ушбу ихтиро синовдан муваффақиятли ўтиб, амалиётга жорий қилиш учун тавсия этилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАЛАР, ХАБАРЛАР

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан ёшларни давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан яқиндан таништиришга қаратилган вазифалар ҳам назарда тутилган бўлиб, шу юзасидан жойларда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ёшлар билан мулоқот

Адлия вазирлиги томонидан Тошкент юридик коллежи ўқувчиларини адлия органларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбир мисолида ҳам бундай кўриш мумкин.

Мулоқот жараёнида ёшлар иқтисодий, идровий, жинсий, маъмурий ва ижтимоий қонун ижодкорлиги борасидаги билимларини бойитиш баробарида, ҳуқуқий тарғибот ва қонун ҳужжатларини тарғиб этишда тизимдаги "Lex.uz" миллий базасининг ўрни ҳамда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик талабларидан етарлича хабардор бўлиши.

Яқунда уларга вазирликнинг фахрий ёрликлари ҳамда ҳуқуқий нашрлар тўпламлари топширилди.

Қарор ижроси доирасидаги бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги ҳамда Самарқанд ва Наманган вилоятлари адлия бошқармаларида ҳам ташкил этилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТАРМОҚЛАРИ

фаолиятини йўлга қўйиш фермерлик ҳаракати ривожидан муҳим аҳамият касб этади

Фермер деганда, яқин-яқингача кўз олдимизда фақат пахта ва ғалла етиштирувчи мулкдор гавдаланар эди. Эндиликда бу тушунча ҳам, фермерга бўлган талаб ҳам, фермернинг ўзи ҳам мутлақ ўзгарди. Бунда, шубҳасиз, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда имзоланган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС



Самарқанд вилояти фермерлар кенгаши раиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Аваз Ҳосиловнинг айтишича, ушбу Фармон фермернинг иш юритиши, кўп тармоқли субъектни ташкил этиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ўтган йили, масалан, вилоятда фаолият

кўрсатаётган 8388 та фермер хўжалигидан 2165 таси кўп тармоқли хўжаликка айлантирилиб, 2571 янги лойиҳа амалга оширилгани, пировардида 8112 та иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа 112 фоиз бажарилгани бунинг тасдиғидир. Жорий йилда бу ерда яна

2860 та фермер хўжалиги кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирилиши, 3131 лойиҳани рўёбга чиқариш ҳисобидан 10913 нафар киши иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Хусусан, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полдизчилик, чорвачилик, паррандачилик,

балиқчилик, асаларичилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини йўлга қўйиш мақсадида барча манбалар эъзозига 117 миллиард 221 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).



Тадбиркорлик кўникмаси

Шеробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари дастлабки 10 миллион сўмлик бежирим ва нафис либосларини сотувга чиқарди.

Коллеж қошида ташкил этилган тивувчилик ҳақида ўқувчилар устозлари кўмағида катталар ва болалар учун либослар дизайнини яратиб, маҳсулот тайёрлайди. Кийим-кечақларнинг ички бозордаги харидорчилиги юзасидан мониторинг ўтказилди. Шу йўл билан уларда тадбиркорлик кўникмалари шаклланди.

— Вилоятдаги 80 га яқин коллежлар энг

сўнги русумдаги замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган устозларга эга, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Пардабой Оромидинов. — Эндиликда машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган хом ашёларга ҳам давлат бюджетидан маблағ ажратилмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Банк тизими: ИШОНЧЛИ, ДАРОМАДЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, авваламбор, юртдошларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган овоз ва обод Ватанини бунёд этишдек эзгу ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

ИЖТИМОЙ ФИКР

Ўз навбатида, ушбу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари банк тизимининг молиявий кўмағида етакчи қўлга айланиб, ўз ўрнини мустақам белгилаб олди, десак, муболага бўлмайди. Зеро, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан аҳоли ва тадбиркорларнинг ўз фаолиятида мамлакатимиз банк тизимининг ўрни ҳақидаги баҳосини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари шундан далолат бермоқда.

тадбиркорлар ва жамоатчиликнинг қўрилаётган масала юзасидан фикрлари тўғри шаклланишига хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Шундан келиб чиқиб, бундай тадқиқотлар натижалари асосида молия-банк тизимининг янада самарали иш юритишига йўналтирилган тақлифлар ишлаб чиқилган ҳолда, улар барча молиявий муассасалар фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Ҳар бир социологик сўрловнинг якулари матбуот нашрларида оммага ҳавола этилмоқда.

Маълумки, айнан аҳоли ва тадбиркорлар мазкур тизимнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳаққоний фикр айти оладилар ҳамда уларнинг тизимга бўлган ишончи эса муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, социологик тадқиқотларнинг амалга оширилиши

(Давоми 3-бетда).

2014 йилда мамлакатимиз бўйича намунавий лойиҳалар асосида

БИР РАҚАМ ШАРҲИ
11 000
та яқна тартибдаги уй-жой қурилади.

Бу — қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган оилаларни замонавий тураржой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини беради, деганидир.

(Давоми 3-бетда).

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Айнан шунинг учун ҳам, ўз олдига кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадини қўйган мамлакатимизда босқичма-босқич, изчиллик билан жамоатчилик назорати, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш борасидаги ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда давлат ҳокимиятининг жамоатчилик олдига масъул эканини белгиловчи қоидалар мустақамлаб кўйилган. Хусусан, Асосий Қонуниимизнинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъул эканлиги белгиланган. 19-моддада Ўзбекистон Республикаси Фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги мустақамлаб кўйилган. Асосий Қонунда бу ва бошқа бир қатор қоидаларнинг мустақамланганлиги аҳоли кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган бошқа вазифалар билан бир қаторда, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қодир бўлган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ношароит ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи

қонунчилик тизимини шакллантириш имконини берди.

Ушбу конституциявий қоидалар “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат ношароит ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини сезиларли даражада кучайтиришга, уларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатларини мустақамлашга қаратилган бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида ўз ривожини топди.

2010 йилда парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган гоялар жамоатчилик назорати институтини янада изчиллик билан ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Аҳамиятига кўра стратегик бўлган ана шу ҳужжатга мувофиқ, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган бир қатор қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Улар қаторига давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини шакллантириш, маъмур назорат турини самарали амалга ошириш механизмла-

рини такомиллаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳалари, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун кирди.

Шу тарика мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг норматив-ҳуқуқий асоси яратилди ва изчил ривожлантирилиб келинмоқда. Айни вақтда ушбу норматив-ҳуқуқий асосларни самарали рўёбга чиқариш бевосита фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги даражасига ва энг аввало, фуқаролик институтларининг етукли ҳолатига боғлиқ. Улар аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифодалаган ҳолда, демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун шaroит яратмоқда.

Шу билан бирга, миллий давлатчилигимизнинг ривожланиш ҳолати, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг жадал кечishi, фуқароларнинг тобора юксалиб бораётган ижтимоий-сиёсий

фаоллиги даражаси жамоатчилик назоратининг норматив-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, уларни юқори — конституциявий даражада мустақамлашнинг тақозо этапти.

Шу боис “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қўшимчалари билан фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини белгиловчи 32-моддаси бундай иштирок этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилишини кўзда тутадиган нормалар билан тўлдирилмоқда.

Жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг конституциявий мустақамланishi уни давлат ва жамият қурилишининг энг муҳим институтларидан бирига айланishi, жамиятда халқ ҳокимиятчилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу янгилликлар жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга, аҳоли турли қатламлари манфа-

атларининг янада тўлароқ ҳимоя қилинишига, фуқаролар, фуқаролик институтларини жамият ва давлат ишларини бошқаришга янада кенгроқ жалб этишга кўмаклашади.

Шу маънода, жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари, субъектлари ва назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, маъмур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг қабул қилинишини тезлаштириш мақсада мувофиқ,

Конституцияга киритилаётган тузатишлар ҳуқуқшунос олимлар олдига жиддий ва масъулиятли вазифаларни, энг аввало, ушбу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришни долзарб қилиб қўймоқда. Бугунги кунда, шунингдек, саяб-харакатларимизни жамоатчилик назоратининг сиёсий-ҳуқуқий муаммоларини, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги демократик янгиланишларни амалга оширишда, давлат органларининг жамият ва фуқаролар олдидagi масъулигини кучайтиришда, жамият ва давлат ишларини бошқариш жараёнида фуқаролар иштирокини кенгайтиришда, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини изчиллик билан амалга оширишда ушбу институтнинг ролини ошириш масалаларини илмий-назарий тадқиқ этиш талаб қилинмоқда.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Обид ТУРҒУНОВ,
Тошкент давлат юридик университети доцентлари.

■ ПАРЛАМЕНТ ХАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ва “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда соҳани малакали мутахассислар билан таъминлашнинг ҳолати ва истиқболлари мавзюда илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ҳуқуқий асос ва самарадорлик

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирилик ва идоралар, мувофиқликни баҳолаш органлари масъулари, экспертлар, олимлар, соҳага кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлири вақаллари, ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш, маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилган экспортбop маҳсулотларни кўпайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада, мустақилликнинг илк йиллариданоқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунлари миллий тизимнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, 2009 йилда қўйилган “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб чиқариш жараёнига, маҳсулотларга, иш ва хизматларга қўйиладиган талабларни ўрнатишда ва қўллашда янги-чанди аҳолининг белгилаб берди. Мазкур Қонун фуқароларнинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлиги ҳимояси, атроф-муҳит муҳофазаси, давлатнинг мудофаа ва миллий хавфсизлигини таъминлаш механизминини яратишга йўналтирилган бўлиб, энг аввало, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, кўрсатаётган хизматлари сифатини ҳамда уларнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган.

Жорий йилнинг апрель ойида қўйилган “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса миллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг халқаро майдонга чиқиши ҳамда экспорт-импорт жараёнини амалга оширишда саноат, назорат ва сертификатлаштириш каби фаолият турларини ўз ичига олган мувофиқликни баҳолашга оид муносабатларни тартибга солишда, — дейди парламент қўй палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

йўриқлар, услубий тавсиялар берилди. Қўриқ-танловда катнашчиларнинг таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш, муайян маззур орқали ёшларда ватанпарварлик, эл-юрт тақдирини унун дилдорлик туйғуларини шакллантириш, миллий кадриятлар, урф-одат ва аъналаримизга ҳурмат туйғуларини камол топтириш сингари жиҳатлар асосий мезон сифатида белгиланди.

Танлов якунига кўра 14 та умумтаълим фан предметини буйича фанлар билан аниқланди. Уларга тадбир ташкилотчиларнинг эсдалик соғвалари ҳамда дипломлари топширилди.

Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.

Қисқа сатрларда

● Фарғонада бўлиб ўтган “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси юзасидан “Соғлом оила — фаровон жамият асоси” мавзюдаги давра суҳбатида вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этиди. Унда соғлом оилани қарор топтириш, эрта турмуш қуриш ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

● Пойтахтимизда “Узархив” агентлиги томонидан ташкил қилинган “Архивларда ва идоравий архивларда кадрлар масаласи: муаммо ва ечимлар” мавзюдаги анжуман ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларга бой бўлди.

● Республика болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида “Болалар китоби — маънавият асоси” мавзюда маърифий тадбир ўтказилди. Анжуманда болаларни китоб мутолаасига кенгроқ жалб қилиш, баркамол авлод тарбиясида мактабдан ташқари таълим масканларининг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Наманган шаҳрида “Соғлом бола тарбиясида миллий кадриятларнинг ўрни” мавзюда семинар бўлиб ўтди. Унда миллатлараро муносабатлар ва миллий маданият марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш хусусида мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТАРМОҚЛАРИ

фаолиятини йўлга қўйиш фермерлик ҳаракати ривожига муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Аниқроғи, 2014 йилда вилоят бўйича богдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган 340 та фермер хўжалигига 2428 гектар ер ажратилди. Шундан 1116 гектариди томчилатиб суғориш усули қўлланилса, 37 гектар майдонда интенсив боғ, 1231 гектар ерда тоқор барпо қилинади. Натихада 1875 та иш ўрни очилади. Сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидаги 1553 та фермер хўжалигида эса 2711 гектар ерда экин парваришланиб, бу юмушга 5263 киши жалб этилади.

Шу билан бирга, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш учун 18 та фермер хўжалигида 18 та лойиҳа амалга оширилиб, шундан 3 тасида гўшт, 9 тасида сут, 6 тасида бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрланади. Шу тарзда 272 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Таъкидлаш керакки, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳозирданоқ ҳар бир соҳада салмоқли ютуқлар

га эришмоқда. Пайкарчи туманидаги “Дил ойнаси” фермер хўжалиги фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Гап шундаки, Хўжа Исмоил кишлоғида жойлашган мазкур фермер хўжалигини ташкил этиш учун тадбиркор Шухрат Фозилов 2005 йилда ташландиқ бинони сотиб олиб, уни реконструкция қилди, янги бинолар қурди. Шун-

дай қилиб, у барча қўлайликка эга молхона ва сутни қайта ишлаш цехини ишга туширди.

Бундан ташқари, 2009 йилда фермер хўжалигида “Интер пульс” деб аталувчи юқори технологик сут соғиш аппаратларини, 2010 йилда “ARBEL” компанияси маҳсулотини — соатига 500 литр сутни қайта ишлашга мўлжалланган ускуналар ўрнатилган бўлса, 2012

йилда Франциядан келтирилган “ALPES” фирмасининг ускуналари ёрдамида ҳозирги кунда соатига 1500 литр сутдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай илғор технологияларни харид қилишда эса “Асак” банкдан олинган катта миқдордаги кредит қўл келди, албатта.



Айни пайтда фермер хўжалиги ва унинг цехларида 50 нафар киши иш билан банд. “Саховат” савдо тамғаси билан чиқарилаётган сут, творог, кефир, қаймоқ, сметана, сливка, йогурт эса дўконларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Хўш, иқтисодий самара кўрсаткичлари қандай? Шу ўринда 2010 йилда 162 миллион 500 минг сўмлик, 2011 йилда 605 миллион сўмлик, 2012 йилда 968 миллион 789 минг сўмлик, 2013 йилда бир миллиард 425 миллион 229 минг сўмлик маҳсулот сотилганини айтсак, изоҳга ҳолат бўлмас керак.

Хулоса шуки, Самарқанд вилоятида “Дил ойнаси”дек кўп тармоқли фермер хўжаликлари тобора кўпайиб, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортмоқда.

Мамадир ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТЛАРДА: “Дил ойнаси” фермер хўжалиги фаолиятдан лавҳалар.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Ҳудудий саноат ярмаркаси

Бухорода бўлиб ўтган ҳудудий халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ва мустақамлаш, янги турдаги, хусусан, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш нуктаи назаридан фойдали бўлди.

ТАДБИР

Унда мулкчиликнинг турли шаклидаги 212 та корхона жами 1286 турдаги тўқимачилик, тикувчилик, чорвачилик, озик-овқат маҳсулотлари, саноат, бинокорлик материаллари билан қатнашди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда қатнашаётганимиздан жуда хурсандимиз, — дейди Қоровулбозор туманидаги “Нарғиз Баҳор” масъулияти чекланган жами-

яти раҳбари Нарғиза Воҳидова. — У, айтиқса, биз, кичик бизнес ва тадбиркорлик тизими вакиллари учун фойдалидир. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизнинг шартномалар портфелини шакллантиришда бу тадбир кўл келяпти. Қолаверса, мазкур жараёнда маҳсулотларимизни экспортга чиқариш юзасидан мутаасаддилардан керакли тавсия ва маслаҳатлар олди.

Тадбирга қизқиш ҳар йилгидан кучайгани кузатилди. Буни

кўргазмага 35 турдаги янги маҳсулотлар кўйилгани, унда хорикнинг бир қатор компаниялари вакиллари иштирок этгани, 15 та корхона томонидан тақдимот маросимлари ўтказилганидан ҳам билиш мумкин. Дарвоқе, чет эллик ҳамкорлар билан умумий қиймати 6 миллиард 713 минг АҚШ доллари миқдорига учта экспорт шартномаси ҳам имзоланди.

Икки кун давом этган ҳудудий халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида жами 40 миллиард 552 миллион сўмлик шартномалар тузилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси»

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган педагоглар иштирок этиди.

ТАНЛОВ

Маълумки, Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом ва баркамол, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиш, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаси учун замонавий билим ҳамда юқори малакага эга бўлган мутахассисларни тайёр-

лашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўқитиш сифати ва мазмунини тубдан янгилаш, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ўқув масканлари барпо этиш, давлат

таълим стандартларини давр талаблари асосида такомиллаштириш имконини бермоқда.

Фарзандларимизнинг ўқишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини ошириш ўқитувчиларнинг маҳорати ҳамда тажрибасига боғлиқ. Шу боис таълим соҳасидаги и-

лохотлар жараёнида устоз-мураббийларнинг билим ва маҳоратини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини эъзозлаш, рағбатлантириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинётган “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши мактаби”, “Йилнинг энг яхши психологи” кўрик-танловлари ҳам таълим йўналишидаги ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Жорий йилги танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 140 минг нафардан зиёд педагоглар 14 умумтаълим фан предмети бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиди.

Яқуний босқичда иштирокчилар томонидан мураккаб мавзулар бўйича очик дарслар ташкил қилиниб, замонавий ахборот технологиялари, интерфeаол усуллари амалиётга жорий этиш борасида ёш ўқитувчиларга йўл-



Банк тизими:

ИШОНЧЛИ, ДАРОМАДЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

У оилавий бизнесни янада ривожлантириш ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимининг ўрни ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида уш-тирилди.

Аваллабор, тадқиқот асно-сида ўз фикрини билдираётган респондентларни танлашда со-ҳанинг барча тоифалари (оила-вий тадбиркорлик, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирма) қамраб олиниши таъминланди. Бунда, айниқса, коллежалари битирган ёшлар, тадбиркор аёлларга ало-ҳида эътибор қаратилди.

Сўров қатнашчиларини "Мик-рофирма" (17,8%), "Кичик корхо-на" (24,8%), "Яқка тартибдаги тадбиркор" (28,7%), "Деҳқон хўжалиги" (5,1%), "Фермер хўжа-лиги" (12,3%), "Оилавий тадбир-корлик" (11,3%) субъектлари таш-кил этди. Яққанда шаҳар худу-дида "Микрофирма" ва "Кичик корхона" вакиллари кўпроқ бўл-са, қишлоқ худудида "яқка тартиб-даги тадбиркорлик" жадал ривож-лангани аён бўлди. Аёлларнинг 36 фоизи яқка тартибдаги тад-биркорлик билан шуғуллансалар, эркекларнинг кўпчилиги эса "Ки-чик корхона" субъектлари (25,2%-да) банд экан.

Айни чоғда, тадбиркорлар-нинг банк кредитларидан фой-даланиш истаги тобора ошиб бораётгани тизимга бўлган

ишончнинг кучаяётганлигини ва банклар томонидан қўлай иш-билармонлик муҳити яратилаёт-гани натижаси эканлигини кўрсатди. Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, кредит учун тижорат банкларига мурожаат қилганлар 95,6 фоизи ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Сўровларни ўтказиш жараё-нида, шунингдек, "Мамлақати-мизнинг қайси тижорат банка-ри фаолияти эътирофга лойиқ?" деган саволга жавоблар олин-ди. Бунинг натижалари эса банкларнинг тизимдаги ўрнини аниқлаш имконини берди. Яъни "Ипотека-банк", "Агробанк", Миллий банк, "Асака" банки, "Трастбанк", "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларининг фаолият-и худудларда кўпроқ эътибор-га молик экан.

"Шу банкнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?" саволи-га олинган жавобларда ижобий баҳо (97,8 фоиз) устувор бўлди. Аниқроғи, аввалги сўровларга нисбатан ижобий баҳо бераёт-ганлар сони ортиб бораётганли-ги кузатилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хо-разм вилоятларида тадбиркор-ларнинг мулк кўпчилиги банк-лар фаолиятига ижобий баҳо бергани диққатга сазовордир.

Банк фаолиятдан мамнун-лики баҳолашга доир берил-ган саволларга, "Банк ходими-ри ўз вазифаларини сидқидил-дан, малакали бажарадилар" дея жавоб берилган бўлса, ке-

